

СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ АНЬАНАВИЙ ВА НОАНЬАНАВИЙ (ХАЛҚ ТАБОБАТИ) ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ АЛГОРИТМИ

Мамасолиев Н. С.,

Асқаров И. Р.,

Хакимов Н. С.,

Қаландаров Д. М.

Андижон давлат тиббиёт институти

Долзарблиги

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳалқ табиблари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида хуқуқий база шакллантирилди, Ўзбекистон ҳалқ табобати ассоциацияси ташкил этилди, ҳалқ табобатининг усуллари ва ютуқларини самарали ва хавфсиз тарзда қўллаш учун биринчи навбатдаги шартшароитлар яратилди, уни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Шу муносабат билан, аҳоли орасида ижтимоий аҳамиятга эга сурункали жигар касалликларининг, биринчи навбатда сурункали гепатитларнинг профилактикаси ва уларнинг хатар омилларини эрта аниқлаш, уларга қарши курашиш ва мувофиқлаштиришнинг самарали усулларини излаб топиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим илмий йўналиш ҳисобланади.

Иzlaniш мақсади. Сурункали гепатитларни анъанавий ва ноанъанавий (ҳалқ табобати) профилактикаси ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиши.

Иzlaniш материаллари ва усуллари. Тадқиқотга 18-74 ёшли сурункали гепатит ва жигар циррози билан клиник шифо-хоналарда даволанган эркак ва аёллар популяцияси (4585 та) ўрганилди ва жумладан, 18 дан 75 ёшгacha бўлган 40 та сурункали гепатитлар билан bemорларда профессор И.Р. Асқаров томо-нидан ҳалқ табобати соҳасида яратилган, “Аскальций”, “Шифои Мархабо-хон” ва “Асшифо” табий озиқ-овқат қўшимчалари (ООҚ) қўлланилди ва улар-нинг самарадолиги, вирусга қарши синтетик препаратларга (АВП) таққос-ланиб чиқилди. Вирусга қарши синтетик препаратлардан энтекавир ва даклатасвир/собосфувир” қўлланилди.

Текширилган папуляцияда клиник шифохона имкониятидан келиб чиқиб, клиник, биокимёвий усуллар, инструментал текширув усуллари амалга оширилди.

Иzlaniш натижалари. Олинган натижалар қуйидагича тасдиқланди: вирусли гепатитлар билан bemорларнинг 8 тасида (80,0 фоиз) ФООҚ билан З ойлик даволаш курсидан сўнг вирус бартарафланган, 1 та bemорда, “тозаланиш - салбийлик” натижаси,

6 ойдан кейин ва яна 1 беморда - 1 йилдан кейин олинган. Синтетик АВП қабул қилинган бемор-ларнинг 10 тасидан 6 тасида вирус қонда ПЦР усули бўйича 3 ой ичида аниқланмай қола бошлаган, “тозаланиш” 6 ойдан кейин аниқланган ва 2 та беморларда вирусни йўқолиб кетиши бир йилдан кейин аниқланган. 2 та беморда, ПЦР натижаси манфий бўлишига қарамасдан, 2 йилдан кейин гепатит цирроз билан асоратланган.

Хуноса. Тасдиқландики, вирусли гепатитлар билан беморларни табиий биологик фаол кўшилмалар – Аскальций”, Шифон Мархабоҳон” ва “Аспифо” билан даволаш, синтетик ВКП билан даволашга қараганда, нисбатан юқори самара беради ва хавфсиз хисобланади ва иқтисодий самара келтиради.